*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 1 июль, шанба • № 52 (10.728) • Эркин нархда сотилади

## МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

***29 июнь куни Тошкентда республикамиздаги йирик иқтисодчи олимлар, давлат бошқаруви органлари вакиллари, иқтисодий мавзуда қалам тебратувчи журналистлар иштирокида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Суҳбат иштирокчилари Президент китобида белгилаб берилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги устивор йўналишлар хусусида фикр алмашдилар.

Давра қатнашчилари бир овоздан мазкур китобни мустақил Ўзбекистон иқтисодиёти тарихидаги ўзгаришларга чуқур шарҳ берувчи мукаммал асар ҳамда зарур қўлланма, дея баҳоладилар. Зеро, унда мамлакатимизда кейинги йилларда рўй бераётган чуқур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг назарий ҳамда амалий асослари кенг таҳлил этилган, иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ кўрсатиб берилгандир.

Давра суҳбати иштирокчилари китобнинг яна бир муҳим хусусияти — унда кишилар онгидаги маънавий ўзгариш, янгиланишга алоҳида эътибор берилганига қаратди. Дарҳақиқат, китобда таъкидланганидек, халқнинг маънавий-руҳий тикланиши иқтисодий ислоҳотларнинг негизини ташкил этади.

Суҳбат чоғида китобнинг иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқларига бағишланган қисми ҳақида фикр юритилар экан, бу борада эришилган ютуқлар эътироф этилиб, ҳал этилмаган муаммоларни бартараф қилишга оид мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирилди. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устивор йўналишлари — хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, миллий валюта қадрини ошириш ҳамда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш учун қандай вазифаларни амалга ошириш кераклиги ҳақида фикр алмашилди.

Республика вазирликлари ва идоралари вакиллари ҳамда таниқли олимлар журналистларнинг ислоҳотларни амалга ошириш жараёнидаги тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга доир кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари А. Азизхўжаев, Х. Жўраев, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

**(ЎзА).**

## СЎМ БИР ЁШГА ТЎЛДИ

***Яна икки ойдан сўнг мамлакатимиз мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлаймиз. Шу кунларда эса истиқлолнинг муқаддас белгиси, Байроқ, Туғро, Конституция, Мадҳия каби давлат ва халқ рамзларидан бири миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилганига бир йил тўлди.***

1994 йилнинг 1 июлидан 1995 йил 1 июлига қадар — тарихнинг асрлар билан ўлчанувчи залворли одимлари олдида кўз очиб юмгунчалик қисқа муддат ичида сўм, ишонч билан айтиш мумкинки, ўзининг дастлабки имкониятларини дадил намоён эта олди.

Атиги бир йил илгари — Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисидаги фармони эълон қилинишидан сал аввал мамлакатимизда пул сиёсати борасидаги аҳвол қандай эди? Айтиш керакки, 1994 йилнинг биринчи ярми мобайнида, яъни мамлакатда оралиқ тўлов воситаси сифатида «сўм-купон» муомалада бўлган пайтда пул қадрсизланишининг ўртача ойлик ўсиш суръатлари анча юқори даражада эди. Миллий валюта муомалага киритилган дастлабки ойларда ҳам бундай салбий ҳолат сақланиб турди. Ҳар тугул кўрилган чора-тадбирлар натижасида инфляция даражасини секин-аста камайтириб боришга эришилди. Бугунги кунда республикада инфляцияни пасайтиришнинг асоси яратилди. Ўзбекистон ҳукуматининг бу соҳадаги оқилона фаолияти ва умуман, амалга ошираётган қаттиқ пул-кредит сиёсати Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан ҳам маъқулланмоқда.

Тўғри, дастлабки ойларда нархларни эркинлаштириш жараёни, бундан ташқари, жойларда пулнинг ўз вақтида банкка қайтиб тушиши устидан назоратнинг кучайтирилмагани миллий валютамиз қадрига бироз таъсир қилган эди. Хусусан, сўм муомалага киритилганидан бир ярим ой ўтгач, баъзи бир вилоятларда берилган ҳар 100 сўмнинг 90 сўмдан кўпроғи «чўкиб» қолди. Бу эса нақд пулнинг тез айланишига халал бера бошлади, иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Президент раҳбарлигида республика ҳукумати бу муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўрди. Бошқача айтганда, ҳукумат юксак самарали йўлни тутди: янги корхоналар очиш, тадбиркорларнинг фаолиятини ривожлантириш, ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, хорижий инвестицияни жалб этишни рағбатлантириб, маъмурий-бошқарув ходимларини сақлаб туриш учун қилинадиган харажатларни кескин камайтириш, шунингдек, хусусий ташаббусни кенгайтириш орқали пулнинг айланишини бирмунча тезлаштириш йўлидан борди. Бу чора-тадбирларнинг ижобий натижалари ҳозирда аҳоли дастурхонининг турли ноз-неъматлар билан бойиб бораётгани, ички бозорда товарларнинг кўпайиши туфайли нарх ўсиши нисбатан тўхтагани ва ҳатто, баъзи ҳолларда маҳсулотлар нархи арзонлаша бошлаганида яққол кўриняпти.

Аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш жабҳасида ҳам бир қанча ибратли ишлар қилинди. Жумладан, савдо дўконларида бир неча турдаги озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж молларининг чегараланган нархларда сотилишини таъминлаб турилишининг ўзиёқ халқимизнинг ўтиш давридаги қийинчиликларини анча-мунча енгиллаштирди. Кечаги кунда махсус талонлар билан сотилган ана шу маҳсулотларнинг ҳозир дўконларимизда бемалол тургани, қолаверса, бозорларимизда бошланган арзончилик ҳам сўмимизнинг бугунги мавқеидан дарак бериб турибди.

Муҳими, аввалбошданоқ Ўзбекистон Республикаси ўз миллий пулини эркин айирбошланадиган валюталар қаторига қўшишни мақсад қилиб қўйди. Шу маънода, миллий пулимиз муомалага кирган кундан бир ой муддат ўтиб, яъни 1994 йил 1 августидан сўмнинг чекланган конвертация жараёни жорий этилгани бу борадаги дастлабки муваффақиятли қадам бўлди. Ана шу муддатдан бошлаб Республика Марказий банки ихтисослаштирилган айирбошлаш пунктларида қўллаш учун нақд чет эл валютасининг тижорат қийматини белгилай бошлади.

Республика Олий Мажлисининг илк сессиясида юртбошимиз мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий-ижтимоий янгиланишлардан кўзланган мақсад — сўмимизни мустаҳкамлаш, уни жаҳоннинг кучли валюталари билан эркин алмашувига босқичма-босқич эришишдан иборат эканини яна бир карра таъкидлади. Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли янги китобини чоп этди. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунлари теран таҳлил этилган ва мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасида олдимизда турган асосий вазифалар баён қилинган ушбу қўлланмада миллий валютани мустаҳкамлаш — республикамизда кечаётган ислоҳотларнинг иккинчи босқичида амалга оширилиши керак бўлган асосий вазифа ҳамда устивор йўналишлардан бири экани қайд этилган. Китобда ёзилишича: «Қачон миллий валюта кучли ва обрўли бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мустаҳкам бўлади. Унинг конвертациясига, қатъий валюталарга эркин суратда алмаштирилишига бутун чоралар билан эришмоқ лозим. Бунга эса пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чораларни амалга ошириш, ўзимизда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ички бозорни шундай моллар билан тўлдириш, корхоналарнинг четга мол чиқаришини кенгайтириш ҳисобига валюта захираларини мустаҳкамлаш йўли билан эришилади».

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда кўплаб кичик ва қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари, бошқа бир қанча янги тузилмалар фаолият кўрсатаётгани, улар ишлаб чиқарган маҳсулот сифати тобора яхшиланиб, миқдори ҳам ортаётгани, бир сўз билан айтганда, ички бозор жаҳон андозаларига тенглаша оладиган ўзимизнинг рақобатбардош товарларимиз билан тўлиб бораётгани ва ана шу маҳсулотларнинг корхоналар томонидан хорижга ҳам дадил чиқарила бошлангани сингари иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришлар сўмни эркин алмаштирилиши борасида республикада дастлабки ва мустаҳкам пойдевор қўйилганидан далолатдир.

Куни кеча эса Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди. Бу фармон сўмимизни мустаҳкамлаш, унинг исталган миқдорда ички эркин алмаштирилишини таъминлаш, республикамизга чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва истеъмол бозорини тўлдириш учун зарур шарт-шароитлар яратишда бундан кейин амалга ошириладиган бир қанча чора-тадбирларни кўзда тутади. Ишончимиз комилки, ана шундай нуфузли ҳужжатлар асосидаги саъй-ҳаракатлар билан бошланган Миллий валютамиз фаолиятининг иккинчи йили ҳам хайрли келади. Сўмимиз мавқеи бундан-да барқарору миллий валютамизга ишонч эса янада мустаҳкам бўлади.

**Ғулом МИРЗО**
**(ЎзА).**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

### ЯНГИЙЎЛЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР МАРРАДА

Янгийўлдан хушхабар олдик. Туман деҳқонлари ўрим-йиғим ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиб, давлатга ғалла сотиш режасини ошириб бажардилар. 4995 гектар майдондан ҳозиргача 8160 тоннадан зиёд дон топширилди.

Бу ютуққа туманда биринчилардан бўлиб ўз режасини адо этган Н. Ниёзов, А. Ортиқов номли, «Ниёзбош», «Тинчлик» ва бошқа хўжаликлар муносиб улуш қўшдилар.

Хўжаликларда ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда. Янгийўлликлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ялпи ғалла ҳосилини 11560 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

**А. РИҲСИБОЕВ.**



ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 500 гектардан ортиқ майдонда мўл дон ҳосили етиштириб, айни кунларда ўрим-йиғим ишларини юксак суръатлар билан олиб бормоқдалар. Миришкорлар ҳар гектар ердан 40 центнердан ғалла ўриб-янчишни мақсад қилиб қўйганлар. Суратда: хўжалик раҳбари Турғун Орипов (ўнгдан иккинчи) ва ҳисобчи Р. Алматов мусобақа ғолиблари — комбайнчилар Ф. Галиев ва О. Жонзоқовларни меҳнат зафари билан қутламоқдалар.

**А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.**

### Қўшимча яна 295 тонна ғалла етказиб берилади

ЧИНОЗ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги ғаллакорлари ҳам ғалаба манзилига етиб келдилар. Давлат омборларига режадаги 431 тонна ўрнига 473 тонна сара дон етказиб берилди.

Туман бўйича биринчи ўн кунлик мусобақаси якунлари бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, пул мукофотини қўлга киритган хўжалик миришкорлари ялпи ҳосилни 903 тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Меҳнат мусобақасида ҳозиргача 300 тоннагача ғалла ўриб берган комбайнчилар Алик Аббасов ва Олим Ориповлар, кунда 7-8 гектардан кўпроқ майдондаги ғаллани ўриб бераётган Ўрозали Мамбетов ва Ҳамза Нолтоевлар пешқадамлик қилмоқдалар.

Хўжаликда ғалла ўрими юқори суръатлар билан давом этмоқда. Ғаллакорлар режага қўшимча дон топширмоқдалар.

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.**

### ФАХРИЙЛАР КЕНГАШДИЛАР

***Бўкада пойтахт вилояти фахрийлар ташкилотларининг «Дўстлик» деҳқон хўжалиги фаолиятига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди.***

Бу хўжаликда кўплаб уруш ва меҳнат фахрийлари истиқомат қилишади. Хўжалик раҳбари Шариф хожи Валиев семинар-кенгаш иштирокчиларига — шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи муовинлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари раисларига хўжаликнинг ишлари ҳақида батафсил гапириб берди.

Дарҳақиқат, бу ерда ўрганса арзийдиган тажрибалар бор. Фахрийлар жамоаси ҳузурида чорвачилик фермаси, қурилиш бригадаси фойда кўриб ишламоқда. Бригада аъзолари қишлоқда яшовчилар учун шартнома асосида уй-жойлар қуриб бермоқдалар. Бундан ташқари 80 гектар ер улар ихтиёрига бериб қўйилган. Бу майдонга экилган ғалладан бу йил юқори ҳосил йиғиштириб олинди.

Айтиш мумкинки, «Дўстлик» мустаҳкам оёққа туриб олган хўжалик. Шунинг учун ҳам у меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга, кам таъминланган кўп болали оилаларга доимий равишда беғараз ёрдам бериб туради. Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Тўлқин Мирёқубов, республика уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси Бектош Раҳимов семинар-кенгашда сўзлаган нутқларида алоҳида таъкидлаганларидек, энг муҳими бу ерда кекса ёшдаги меҳнатга лаёқатли кишиларга ҳам ўзларига муносиб касб билан шуғулланиш имконияти яратиб берилган. Унинг фаолиятидан ўрнак олса, тажрибаларини кенг оммалаштирса арзийди.

**Ф. УСМОНОВА.**

### ЎРТАЧА МАОШ УЧ МИНГ СЎМ

«ЛАЗЗАТ» қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти Янгийўл шаҳридаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Корхонада 5та ишлаб чиқариш цехи мавжуд бўлиб, айни пайтда мингдан зиёд ишчи ва хизматчилар меҳнат қилаяптилар. Қандолатчилар бозор иқтисодиёти шароитида ички имкониятлардан унумли фойдаланиб, маҳсулотлар турини кўпайтириш, сифатини яхшилашга эришмоқдалар. Шу йилнинг ўзида маҳсулотлар қаторига «Семург», «Совғача», «Ҳикоят», «Ширин» сингари қандолатлар қўшилди. Даромадга қараб буромад деганларидек ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи бошқа корхоналардагига қараганда анча дуруст бўлаётир. Ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи қарийб 3 минг сўмни ташкил этаяпти.

**Н. ТЎЛАГАНОВА.**

### ЁДГОРЛИК ОЧИЛДИ

Яқинда Келес даҳасидаги 35-мактабда тумандошимиз — ички ишлар генерал-майори, марҳум Комилжон Ғофуровнинг бюсти — ёдгорлик очилди. Шу муносабат билан бўлган маросимда туман ҳокими Р. Акбаров, Республика Ички ишлар вазири З. Алматов ва бошқалар сўзга чиқиб, Комилжон Ғофуровнинг инсоний фазилатлари ва меҳрибон мураббийлиги ҳақида илиқ гаплар айтдилар. Марҳумнинг оиласи, қариндошлари, ёр-биродарлари ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Ёдгорлик очилиши маросимида Республика Маориф вазири Ш. Йўлдошев қатнашди.

**А. ДАМИНОВ.**
**Тошкент тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини, милиция майори.**

### ЁҒ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

КУНИ кеча Оққўрғон туманининг Олимкент шаҳарчасида янги ёғ заводи ишга тушди. Мазкур корхона Германиядан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, кунда 12 тонна ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга. Тумандаги «Султонобод», А. Икромов, Охунбобоев ва Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжаликларининг дала меҳнаткашлари янги корхона маҳсулотининг дастлабки мижозлари бўлишди.

— Ҳозир заводда ўн икки киши меҳнат қилмоқда,— дейди корхона раҳбари Раҳим Умиров.— Яқин келгусида цехларни кенгайтириб, қўшимча дастгоҳлар ўрнатамиз. Шунда яна 30 киши учун ишчи ўрни очилади. Ишчиларнинг ойлик маоши ҳозирча 700 сўм. Цехлар кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан уларнинг иш ҳақи янада кўпаяди.

**Х. НОСИРОВ.**

## НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ — АКЦИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***МУЛКНИ давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан Президентимиз фармонлари ҳамда ҳукуматимиз қарорлари асосидаги ислоҳотлар туфайли вилоятимизда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини хусусийлаштириш ишлари ниҳоясига етди. Саноат корхоналари, жамоа хўжаликларини ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, уларни акциялаштириш бўйича ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда.***

***Лекин, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусан, акциялаштириш босқичида амалга оширилаётган ишларимиз ҳали талаб даражасида эмас. Айниқса, мавжуд корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига ўтказиш, акциялар чиқариш ва сотишни таъминлашда айрим муаммолар мавжуд.***

***Газетамизнинг 2-3 саҳифаларида берилган мақолаларда ана шу борада эришилган натижалар, тажрибалар, йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари ва бундан буён ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар ҳақида гап боради.***

## МЕВА ИСРОФ БЎЛМОҚДА

Юртимизда пишиқчилик, она замин саховати-ю миришкор соҳибкорлар пешона тери билан яшнаган боғларда шарбатга тўлиб етилаётган ҳосил ҳар қачонгидан ҳам мўл. Бироқ, ёз неъматлари эл дастурхонига ўз вақтида етиб боряптими?

Қуйичирчиқ тумани М.Отажонов номидаги давлат хўжалиги боғдорчилик ва узумчилик агрофирмасига айлантирилганидан сўнг маҳсулот етиштириш анча кўпайди. Мутахассислар мавжуд боғ ва токзорлардан бу йил камида беш минг тонна хўл мева, саккиз минг тоннага яқин узум йиғиб-териб олиш мумкинлигини айтишмоқда.

Дарҳақиқат, шохларда маржондек тизилиб турган меваларни кўриб кўз қувнайди. Вақт эса ғанимат, соҳибкорлар ҳосилни ўз вақтида узиб истеъмолчига жўнатиш ташвишида.

Бироқ агрофирма маъмурияти уларни унчалик шошираётгани йўқ.

Бунинг боиси нимада? Сабаби, терилган меваларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб беришнинг иложи бўлмаяпти. Биз қабул пунктида салкам юз тонна маҳсулот икки-уч кундан бери харидорини кутиб турганининг гувоҳи бўлдик. Шуниси ачинарлики, марвариддек товланиб кўзни қамаштирадиган ўрик, олхўри, олма ноиложликдан консерва заводларига жўнатилмоқда. Буни қаранг, маҳсулот кўп бўлса-ю харидор топилмаса...

### *Мухбир бонг уради*

Агрофирма маъмурияти маҳсулот етиштириш билан бирга уни етказиб бериш учун республикамиздаги 16, ҳамдўстлик мамлакатларидаги 5 та савдо ва қайта ишлаш корхоналари билан шартнома тузган. Бироқ «пул йўқ, транспорт харажатлари юқори» деган баҳона билан улар маҳсулотни олиб кетмаяпти. Боз устига, биргина Тошкент шаҳридаги савдо тармоқлари ўтган йилги ҳосилдан бир миллион сўмга яқин қарздор бўлиб турибди. Қисқаси, мижозлар агрофирма маъмуриятини ширкатчи-боғбонлар олдида уялтириб қўймоқда.

Ҳозирги шароитда айбни бошқаларга тўнкаб, «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш тутишдан нима фойда?

— Пишиб етилган мевалар увол бўлмаслиги учун барча чораларни кўряпмиз — дейди агрофирма бош директори Абдулла Отажонов. — Айни пайтда Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги махсус дўконларимизда хўл мева савдоси ташкил этдик. Бундан ташқари, аҳоли гавжум даҳаларга ҳам автодўконлар юборилиб савдо уюштирилмоқда. Шунга қарамай, тайёр маҳсулотни сотишда қўлимиз калталик қиляпти. Янги узилган мевалар қабул пунктида, боғларда туриб қолмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонимиз боғларида етиштирилган ширин-шакар мевалар жаҳон бозорига чиқиши керак. Бу ҳақда — мутасадди ташкилотлар жиддий ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз. Токи, боғбон заҳмати билан етиштирилган мевалар исроф бўлмасин, соҳибкорлар ўз меҳнати самарасини кўрсин...

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

